

Ахмад Фарғоний номидаги  
вилоят ахборот-кутубхона маркази

**Услугиёт бўлими**



# *Серқирра ижод соҳибби*

*Ўзбек шоири, драматург Уйғун таваллудининг  
110 йиллиги муносабати билан тавсиянома.*

**Фарғона – 2015**

Бугун эрта туриб тонгни кўрдим,  
Оқ шоҳи рўмоли бошида.  
Уфқ кийинтириб гўзал фалак,  
Сочини тарайди қошида.

Тонг ҳақида бу шеърнинг ёзилганига 85 йилдан ошган бўлса-да, ҳозир айтилаётгандай.

Ўз ижодини лирик шеърлар билан бошлаган Уйғун тез орада шоир сифатида машҳур бўла бошлади. Унинг шеърлари 1925 йилдан матбуотда кўрина бошлаган эди. Биринчи поэтик тўплами - “Баҳор севинчлари” 1929 йилда китоб бўлиб чиқди.

Уйғун ижоди янги мазмун, ўзига хос характерлар, тасвирий воситалар билан, янгича услуб билан бойиб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Унинг бирорта асари йўқки, унда даврнинг долзарб масалалари, улуғвор ўзгаришлар моҳияти, инсонлар қалбидаги орзу-умидлар, ҳис- туйғулар акс эттирилмаган бўлсин. Унинг бирин-кетин чоп этилган “Ҳикоялар”, “Иккинчи китоб”, “Қуёш ўлкасига”, “Муҳаббат”, “Ғазаб ва муҳаббат” каби китобларида муҳим воқеа-ҳодиса, ҳаётдаги ва ондаги ўзгаришлар завқ билан куйланади.

Бу йил Уйғун таваллудига 110 йил тўлди. XX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганувчилар унинг вакилларида бири сифатида лирик шоир ва драматург Уйғун ижодини ҳам унутмайдилар.

Маънавий ҳаётимизнинг хазинаси бўлган кутубхоналар зиммасига унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, кенг китобхонлар ўртасида тарғиб қилишда бир қатор тадбирлар ўтказишдек масъулиятли вазифа турибди.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг китоб тақдими, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечаси, давра суҳбати, мавзули ва мунозара кечалари, оғзаки журнал, хотира кечаси, китоб кўргазмаси сингари турли-туман шакл ва усулларида фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган файласуфлар, адабиётшунослар, тарихчилар, ёзувчи ва шоирларни ҳам жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарда: “Маънавият ва маърифат” марказларининг жойлардаги бўлимлари, “Олтин мерос”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар уюшмаси вакиллари, маҳаллалар, хотин-қизлар уюшмаси, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу методик қўлланмада шоир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган. Қўлланманинг мақсади Уйғун ҳақидаги маълумотларни, ахборот материалларни кенг китобхонлар оммасига етказиш, уларни тарғиб қилишда кутубхона ходимларига методик ёрдам беришдир.

### **Тонг ва баҳор куйчиси**

"Уйғун" шоирнинг адабий таҳаллуси бўлиб, унинг асл исми Раҳматилла Отақўзиевдир. У 1905 йилнинг 11 февралда Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Марки кишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Раҳматилла бошланғич маълумотни ўз кишлоғида олади, 1923 йилда Тошкентга келиб педагогика техникумига ўқишга кирилади. Худди шу техникумда Раҳматилла калбида адабиётга, ижод қилишга муҳаббат туғилади. Натижада, у кичик-кичик шеърлар ёза бошлайди ва улар техникумдаги "Тошқин" деворий газетасида ҳамда бошқа вақтли матбуот саҳифаларида босила бошлайди.

Раҳматилланинг шоир сифатида эътироф этилишида унинг 1927-1930 йиллар давомида Самарқанддаги педагогика академиясининг тил ва адабиёт факультетида таълим олиши муҳим рол ўйнади. Ўша йиллари бу олий ўқув юрти йирик фан ва адабиёт ўчоғи

бўлиб, кўплаб истеъдодларнинг, хусусан, Хамид Олимжон, Жалол Икромий, Ойдин сингари каламкашларнинг камолга етишуви учун катта йўл очган эди. Худди шу академияда Уйғун ҳам дастлабки оригинал шеърларини яратади ва улар "Ер юзи", "Маориф ва ўқитувчи", "Аланга" сингари республика журналларида босилиб чиқади. Нихоят, 1929 йилда у шеърлар жамланиб, "Бахор севинчлари" номли тўплам сифатида нашр этилади.

Ўзининг мазкур биринчи тўпламидаги шеърларида Уйғун китобхонлар кўз ўнгида бахор, табиат куйчиси сифатида намоён бўлади. Шоирнинг илк шеърларидан бошлаб, бутун поэтик ижоди давомида "Бахор" тимсоли марказий ўринда туради. Жумладан, у дастлабки шеърларининг бирида бахор тонгини мана бундай гавдалантиради:

Сахар чоғи... кумуш каби шудрингдан,  
Сирға такиб япроғига бош кўйиб,  
Гуллар, туннинг кучоғида мудрайди...  
Титраб-титраб, унда-мунда юлдузлар,  
Шошиб-пишиб ётоғига кеткали.  
Даргохига еткали,  
Олтин шохи этагини судрайди...

Кўрамизки, шоир табиатни ниҳоятда нозик хис қилади ва унинг ажойиб манзарасини чизади. Лекин Уйғун дастлабки шеърларидаёқ шунчаки соф табиат манзараларини чизиш билангина чекланмайди, балки уни ва айникса, бахорни инсон хаёти, калби, меҳнати билан боғлиқ холда акс эттиради. Масалан, у илк шеърларидан бирида бахорнинг моҳиятини куйидаги тарзда очиб беради:

Бахорда кайнайди меҳнат ерлари,  
Бахорда томчилар манглай терлари,  
Бахорда завк эмар дала кизлари,  
Бахорда йўрғалар олтин трактор.  
Ох, бахор нашъали, бахор гўзалдир.

Аммо "Бахор севинчлари" тўпламига кирган шеърлар орасида заиф, номукамаллари ҳам бор эди. Уларда Уйғуннинг ўзи айтганидек, "юзакилик, олинган мавзуларнинг моҳиятига ... тушунмаслик, эстетизмга берилиб кетиб мазмунни суюклаштириш" сингари нуқсонлар мавжуд эди. 30-йиллар ижодида Уйғун бу нуқсонлардан қутила борди ва ўша давр ўзбек лирикасининг нодир намуналарини яратди. Уйғун ўзининг узок йиллик ижодий фаолияти давомида ўнлаб шеърый тўпламлар, йигирмадан ортик пьеса яратиб, адабиётимизнинг ривожланишига улкан хисса қўшган. Уйғуннинг илк шеърый тўплами, айтганимиздек, "Бахор севинчлари" деб аталади. Бу тўпламга 1925-1929 йилларда ёзган 30 та шеъри киритилган. Уйғуннинг 20-30-йиллар шеърыйатида Ватан, табиат гўзаллиги, эркин муҳаббат каби мавзулар асосий ўрин эгаллаган. Шоир 20-30-йилларда ёзган "Бахор", "Бахорда", "Бахорги эл", "Бахор тонгида" каби шеърларида кўкламни ўзгача бир меҳр билан тасвирлайди. Унинг "Тонги бўса" шеърисидаги:

"Бир карашда оппок шохига ўхшар,  
Бир карашда мармар, бир карашда зар,  
Бир карашда эса садафга ўхшар",  
"Табиат сахарда мисли бир ғунча.  
Тонг эса ғунчанинг очилган чоғи" муқоясалари кишида чексиз завк уйғотади.

Уйғун ижодида куз фасли тасвирига ҳам ўзига хос тарзда ёндошилганини кўрамиз - "Кўк - ювилган, артилган шиша, сувлар тиник, япроқлар олтин",  
"Куёш кўкдан эшилиб қарар,  
Жуда равшан оловли кўзи,  
Сарик қўйлак кийиб кўринган  
Баркут фасл - бу кузнинг ўзи" каби мисралардаги образли талкинлар бунинг далилидир.

Шоир шеърларида баҳор ва табиат, мусаффо осмону тонг таровати билан бирга инсон умрининг маъноси ҳам катта ўрин эгаллайди:

Агар инсон бўлсанг, наф етказ халққа,

Фақат яшашгина инсон учун кам.

Халққа наф етказиш ғояси шоир ижодининг асосини белгилайди. Табиат ва жамият ходисаларини, лавхаларини киёс қилиб, ёнма-ён кўйиб тасвирлаш, хис-туйғуни бўрттириб ифодалаш усули Уйғуннинг Иккинчи жаҳон уруши даври шеърлятида янада такомиллашганини кузатиш мумкин. "Тасаввур", "Бинафша", "Кор" каби шеърларида табиат кўринишлари урушга нафрат, тинчликка мухаббат ғояларини ифодаловчи янги поэтик мазмун касб этади.

Шоирнинг уруш даври ижодида ишк-мухаббат мавзуининг ёритилишини кўздан кечириш, тадқиқ қилиш ҳам кизикарлидир. Унинг "Суръат", "Куёш йўли", "Висол табассуми" каби шеърларида, "Кел", "Кут", "Мардонавора айтинг", "Арзимни ёра айтинг", "Жоним келур" каби ғазалларида ҳам поэтик мазмун ошиқ ва маъшука образлари туйғулари тасвирдан хосил бўлади, душманни енгиб ортга кайтгач, висол шодиёнасига эришиш орзуси қуйланади.

Шоир ўз шеърлятида салмоқли ўрин эгаллаган севги-мухаббат мавзуини урушдан кейин ҳам давом эттирган. "Севганлигим рост", "Сен дединг", "Ўша учрашувдан бошланди бу хол", "Гул юборибсан", "Гул шайдоси", "Кетмас бўлиб кел", "Гулсану ўзинг" каби шеърлари фикримизнинг далилидир.

Инсон борки, унинг қалбини мухаббат албатта безовта қилади. Шоир талқинича, севгидан нолимоқ ўринли эмас. Бу ҳар бир ошуфта қалбнинг ўзига боғлиқ. Фақат бевафогина севгига гадо бўлиб ўтиши мумкин.

Вафосизлар вафо, севгининг

Қандай қилиб қадрига етсин?

Қўй, йиғлама, ўша бевафо

Садқайи кўз ёшларинг кетсин!

Бу шеърнинг ўз тарихи борлигини Уйғуннинг ўзи ҳаётлигида катта бир йиғинда айтган эди. Шеър шоирдан мадад тилаб ёзилган бир қиз мактубига жавоб тарзида майдонга келган экан.

1946-1948 йиллардаги асосиз танқидлар, баъзи кимсаларнинг доклад ва мақолаларидаги таҳқир ҳамда камситишлар Уйғун шеърлятининг бадий такомилга анча тўғанок бўлади. У шундан кейин ижтимоий-публицистик шеърлар ёзишга кўпроқ эътибор берган бўлса-да, уларнинг аксарияти муваффақиятли чикмайди. У кейинчалик бу кусурдан кутула борди. 60-70-йилларда табиат гўзалликлари, ҳаётнинг нафис лавхалари тасвири билан йўғрилган бир канча шеърлар яратди. "Булок", "Сарвга", "Булбул", "Жанг", "Ёшлиқ туйғуси", "Хаёт чакиради", "Денгиз", "Музыка", "Инжу ва кўпик", "Юзларимга бокиб" каби шеърлари шулар жумласидандир.

Уйғун ўз ижодий фаолияти давомида "Украина эллари", "Март кунларида", "Жонтемир", "Гулаласал", "Касос", "Вафо" каби бир катор поэмалар яратди. Лекин уларда хукмрон мафкура ва сиёсат таъсирига берилиб, шоир жиддий бадий муваффақиятга эриша олмади.

Уйғун драматургияси ҳам адабиётимиз тараккиётида алоҳида ахамият касб этади. У йигирмадан ортик сахна асари яратган. Унинг "Она" (1942), "Хаёт кўшиғи" (1947), "Абу Райхон Беруний", "Алишер Навоий", "Навбахор", "Хуррият", "Парвоз" каби драмалари, "Калтис хазил" комедияси шулар жумласидандир. Умуман, Уйғун драмаларини мазмунига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга "Абу Райхон Беруний", "Абу Али ибн Сино", "Зебуннисо Бегим" каби тарихий пьесалар мансуб бўлиб, улар орасида Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзилган "Алишер Навоий" драмаси муаллифларга энг катта шухрат келтирди ва уруш даври ўзбек адабиётининг энг жиддий ютуқлари каторидан ўрин олди. Умуман, бу драма XX аср ўзбек адабиёти ва сахна санъатининг шоҳ асарларидан бири бўлиб қолди. 1941 йили яратилиб, узок йиллар

сахнадан тушмай келган ушбу дурдона асар мисолида ўзбек театр маданиятини жаҳон эътироф этди. Унинг асосида яратилган фильм орқали ҳам ўзбек кино санъати жаҳон экранига чиқди. Драма пайдо бўлибдики, ҳар бир авлод ўзбек актёрлари учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Уйғуннинг тарихий мавзудаги пьесаларидаги характерли жиҳати шундаки, уларда замонавий руҳ уфуриб туради. Драматургиямиз ҳар бир ўтмиш воқеасидан, ҳар бир тарихий шахсдан ҳозирги замонамиз учун керакли бўлган мотивларни, ғояларни топиб, уларни умумлаштириб кўрсатишга эришган.

Уйғун сахна асарларининг иккинчи гуруҳини замонавий мавзудаги драмалар ташкил этади. Улар орасида "Парвона" пьесаси ҳаммадан кўра кўпроқ халққа манзур бўлди.

Уйғун драматургиянинг деярли барча турлари, шаклларида қаламини синаб кўрди. Бироқ, давр ва муҳит таъсири Уйғун ижодига оз бўлса-да ўз соясини солди. Унинг ижодида ҳам бошқа ижодкорларда бўлгани каби, ўша даврнинг адабий қолипи асосида иш кўриш, конфликт, схематизм, муаммоларга чўчиброк ёндошиш ҳоллари кечганлиги сир эмас.

Ўзбек Миллий Академик драма театрининг ўтган вақт мобайнидаги репертуарини кўздан кечирсак, кўп спектакллар Уйғун пьесалари асосида яратилганини кўрамиз. Сахнага қўйилган "Алишер Навоий" (Иzzат Султон билан ҳамкорликда), "Хуррият", "Шубҳа", "Қотил", "Парвона", "Абу Райҳон Беруний", "Абу Али ибн Сино", "Зебунисо" ва бошқа асарлар шуни кўрсатадики, Уйғун драматургияси ўзининг баркамоллиги билан энг юксак санъат қошонасининг талабларига тўла жавоб беради.

Отахон театримиз сахнасида ўйналаётган асарларнинг сони жиҳатидан ҳам Уйғун биринчиликни олади. Айрим пьесалар эса узоқ вақтлардан бери сахнадан тушмай келиши, "Алишер Навоий"нинг 700 мартадан ортиқ қўйилиши, "Парвона"нинг 800 га яқин ўйналишида ҳам катта маъно бор.

Уйғун ўз ижодий фаолияти давомида таржимонлик билан ҳам шуғулланиб, ўзбек адабиётини кўпгина таржима асарлар билан бойитди. У В. Шекспирнинг "Юлий Цезарь" трагедиясини, сонетларини, А.С.Пушкиннинг "Тобутсоз", "Белкин кассалари", "Арзрумга саёхат", А. П. Чеховнинг "Чайка" драмасини, Л.Н.Толстойнинг "Хожимурод" повестини, Т.Шевченко, И.Чавчавадзе, С.Маршак каби шоирларнинг бир канча шеърларини ўзбек тилига таржима килди. Булар ҳаммаси ХХ аср ўзбек адабиёти тарихида Уйғуннинг алоҳида ўрни борлиги, у айниқса, лирик шоир ва драматург сифатида танилганидан далолат беради.

Узоқ умр кўрган Уйғун семаҳсул ижодкорлар қаторидан жой олди. У "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвонига мушарраф бўлди. Жамоат арбоби сифатида Республика ёзувчилар уюшмасини бошқарди, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланди. Уйғун 1990 йилнинг февраль ойида 85 ёшида оламдан ўтди.

**Уйғун (Рахматилла Отақўзиев) таваллудининг 110  
йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция  
ўтказиш бўйича услубий тавсиялар**

Ушбу конференцияни ўтказиш учун кутубхона ходимлари жиддий тайёргарлик кўрмоқлари лозим. Тадбир ўтказиладиган жойда Уйғуннинг турли йиллар ва турли тилларда нашр этилган асарлари кўرғазмаси ҳамда Уйғун ижоди ва ҳаёти ҳақида чоп этилган адабиётлар, мақола ва рисоалар кўрғазмаси ўрнатилади. Сахнада Уйғун (Рахматилла Отақўзиев)нинг портрети.

Уйғун таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган илмий амалий конференция иштирокчиларига олдиндан таклифномалар юборилади, эълонлар берилади.

Конференцияга таклиф этиладиган адабиётшунос олимлар, адабиёт ўқитувчилари, талабалар, маънавият марказлари ходимлари, ёзувчилар ва шоирлар, театр жамоалари вакиллари билан улар маърузаларининг мавзулари олдиндан келишиб олингани мақсадга мувофиқдир.

Мавзулар куйидагича бўлиши мумкин:

- Уйғуннинг болалик йиллари.
- Уйғун шеърлятида Ватан мавзуси.
- “Алишер Навоий” драмасининг ғоявий- бадий тахлили.
- Уйғуннинг асар қахрамонларини ифода этишдаги маҳорати?
- Уйғун- таржимон.

Шунингдек, конференция давомида Уйғун шеърларидан намуналар ўқилиши, унинг шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар ижро этилиши, унинг асарлари асосида кичик сахна кўринишларини намойиш этиш ҳам тавсия қилинади.

Конференция қатнашчилари жойларини эгаллагач, **олиб борувчи** куйидаги сўзлар билан конференцияни очиши мумкин:

“Ассалому алайкум, хурматли конференция қатнашчилари, азиз меҳмонлар! “Уйғун” шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, унинг асл исми Рахматилла Отақўзиевдир. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида Уйғуннинг ўзига хос ўрни бор. У адабиётга 20-йилларнинг ўрталарида кириб келди. 1929 йилда “Баҳор севинчлари” номли биринчи китоби нашр этилади. Ўзининг мазкур биринчи тўпламидаги шеърларида Уйғун китобхонлар кўз ўнгида баҳор, табиат куйчиси сифатида намоён бўлади. Шоир шеърларида баҳор ва табиат, мусаффо осмону тонг таровати билан бирга инсон умрининг маъноси ҳам катта ўрин эгаллайди:

Агар инсон бўлсанг, наф етказ халққа,

Фақат яшашгина инсон учун кам.

Уйғун ўзбек драматургиясини кўпгина асарлар билан бойитди. У ўзбек адабиётидаги энг семахсул драматурглардандир. Бугун биз Уйғуннинг драматургия соҳасидаги ижодига тўхталамиз. Ҳозирги сўз навбатини адабиёт фани ўқитувчиси \_\_\_\_\_ га берсак, марҳамат.

**Ўқитувчи:** Атоқли адибимизнинг драматургияси жаҳон миқёсига дадил қадам билан чиқиб борди. “Алишер Навоий”, “Қалтис ҳазил”, “Навбахор”, “Хуррият”, “Шубҳа”, “Парвона” каби асарлари ҳамдўст республикалардаги қатор театрларнинг репертуарини бегади. “Парвоз” эса энг яхши пьесалар қаторида саналиб, ўз вақтида Буниттифок сахнасига тавсия этилди. Москва, Санкт- Петербург ва бошқа йирик шаҳарлардаги рус ўқувчиларига ҳам Уйғун пьесалари маълум ва машҳурдир. Бу ҳозирги талабчан, катта адабиёт олампидан хабари бўлган, космос ва мустақиллик даврида яшаётган томошабинларнинг юксак дидига унинг пьесалари маъқул тушаётганлигидан далолат беради.

Ўзбек дарамургиясининг яратилиши тарихига назар ташласак, Уйғуннинг энг қийин жанрга қўшган ҳиссаси янада яққолроқ кўринади.

Ўзбек миллий профессионал драматургияси XX аср бошларида вужудга келди. У кейинги йилларда мислсиз даражада тараққий этди. Шунинг ҳам айтиб ўтишимиз керакки, бу жанрнинг миллий традицияларга эга бўлмаганлиги, бундан ташқари, драматургия – энг қийин жанр эканлиги сабабидан ҳам бу соҳадаги ижодий ишларимиз жуда ҳам қийинчиликлар билан юзага чиқди.

Бундай объектив қийинчиликларга қарамай, миллий драматургиямиз мураккаб ижодий довлардан ошиб, юқорига қара борди. Ҳозирги даврда эса хатто минг йиллик тажрибага эга бўлган Европанинг кўп драматургияларидан қолишмайдиган ўзбек драматургияси бунёдга келди.

**Олиб борувчи:** Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. Ўзбек драматургиясининг муваффақиятларида Уйғуннинг ҳиссаси алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Уйғун

драматургиянинг деярли барча жанрлари, шаклларида қаламини синаб кўрди ва салкам йигирма бешга яқин драматик асар ёзди. Ҳозир сўзни адабиётшунос олим-----га берсак. Марҳамат.

**Адабиётшунос:** Драматургларни кўп қийнайдиган нарса асарнинг ечимидир. Ечим баъзан пьесаларда воқеалар оқими, характерлар зиддиятининг оқибати, курашнинг реал якунининг тақозоси билан эмас, балки муаллифларнинг сунъий хоҳиши билан ҳал қилинади. Ёки бўлмаса, пьесаларининг биринчи кўринишиданок ечим нима билан тамом бўлишини ўқувчи ёки томошабин билиб олади. Бундай асарларга қизиқиш йўқолади, улар сахна юзини кўрар-кўрмас ғойиб бўлиб кетади.

Уйғуннинг кўп пьесаларини эса бошидан охиригача қизиқиб, ҳаяжон билан ўқийсиз, томоша қиласиз. Воқеалар оқими, конфликтнинг ривожи сизни ушлаб туради, тўлқинлантиради, характерлар тақдирини сабрсизлик билан кузатасиз, ижобий қаҳрамонлар билан бирга яшагандай, улар билан ёмон, ярамас нарсаларга, муттаҳам одамларга қарши курашгандай бўласиз.

Қоронғулик салтанатида ёруғ нур бўлиб чиққан инсонпарвар, халқчил, буюк талант соҳиблари Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Зебунисоларнинг фожиали тақдири бизни ачинтирмайдими, қайғуга солмайдими? Шуниси аниқки, бу қаҳрамонлар томошабинлар ва ўқувчиларнинг онгига жуда қаттиқ таъсир қилди, қалбини забт этди.

Уйғун ва Иззат Султон “Алишер Навоий” драмасида биринчи бўлиб улўғ шоир образини сахнага олиб чиқдилар, унинг жўшқин фаолиятини ёркин гавдалантирдилар. Навоий кўз олдимиздан чин инсонпарвар, тўла маънодаги адолатпарвар, юрт тўғрисида тинимсиз қайғурувчи, юксак севги соҳиби, буюк талант сифатида ўтади.

**Олиб борувчи:** Раҳмат домла. Уйғун бир суҳбатда шундай деган экан: “Ижодкорнинг исталган мавзуда асар ёзишга ҳаққи бор. Лекин у қайси давр ҳаётидан мавзу изламасин, ҳеч қачон ўзи яшаб турган замон талабларидан узилиб қолмаслиги керак”. Санъаткор бу сўзларга ўзининг ижодий фаолиятида тўла амал қилди. Ҳақиқат ижодининг доимий йўналиши бўлганлиги сабабли, ҳаёт тамойиллари асосида ёзилган баркамол асарларининг умри узок бўлиши табиийдир. Шу сабабдан ҳам Уйғун драматургияси барҳаёт драматургиядир.

**“Умр қўшиб олам умрига”** номли китоб-суратли кўрғазмасини ташкил этиш учун тахминий материаллар.

Таклиф этилаётган китоб кўрғазмасининг мақсади, кутубхонада ўтказилаётган учрашув ва тадбирларни мустақил ўтказишга ёрдам беради.

Кўрғазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

### 1. Баҳор ва тонг кўйчиси

Бугун эрта туриб тонгни кўрдим,  
Оқ шоҳи рўмоли бошида.  
Уфқ кийинтириб гўзал фалак,  
Сочини тарайди қошида.

Уйғун

Бу бўлимга Уйғуннинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид материаллар ҳамда шеърлари тақдим этилади.

### 2. Маликул калом

Ижодкорнинг исталган мавзуда асар ёзишга  
ҳаққи бор. Лекин у қайси давр ҳаётидан мавзу  
изламасин, ҳеч қачон ўзи яшаб турган  
замон талабларидан узилиб қолмаслиги керак.

Уйғун

Бу бўлимга Уйғуннинг драмалари қўйилади.

### 3. Уйғун адабиётшунос

Уйғун бадиий ижод билан илмий ижодни биргаликда амалга оширадиган нодир зотлардан бири эди. Унинг ўзбек адабиётшунослиги ривожига қўшган улуши улкандир.

А. Қаюмов

Бу бўлимга Уйғуннинг адабиётшуносликка доир нашрлари, илмий мақолалари қўйилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

Абдусаматов Х. Серкирра ижодкор: Уйғун таваллудининг 100 йиллигига // Маърифат.- 2005.-2 июль

Бекмирзаев Н. Баҳор ва тонг куйчиси // Тил ва адабиёт таълими.-2000.-№3.-б.45-49.

Бекмирзаев Н. Баҳор куйчиси эди: Уйғун таваллудининг 95 йиллигига // Ватанпарвар.-2000.- 25 апрель.

Мамажонов С. Умр қўшиб олам умрига: Уйғун таваллудининг 90 йиллигига // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1995.- 15 декабрь.

Мирзо Ғ. Устоздан қолган ёдгор: Ўзбекистон халқ шоири Уйғун таваллудининг 90 йиллигига // Тошкент оқшоми.-1995.- 22 ноябрь.

Мирмуҳсин. Маликул калом: Уйғун таваллудининг 90 йиллигига // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1995.- 15 декабрь.

Уйғун // XX аср ўзбек адабиёти тарихи.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-Б. 286-301.

**Тузувчи: Ш. Юнусова**